

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Ғиждувон тумани

2023 йил 17 май

Ғиждувон туманлараро иқтисодий суди судьяси О.Қўлдошов раислигида А.Асадов котиблигида даъвогар вакили ХХХХ (ишончнома асосида) иштирокида даъвогар ХХХХ манфаатида жавобгар «ХХХХ» фермер хўжалигидан 16 016 018,49 сўм асосий қарз, 3 166 374.43 сўм пеня 30 000 сўм почта харажати ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича очик суд мажлисида кўриб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъво аризадан кўринишича ХХХХ(кейинги ўринларда матнда “Даъвогар” деб аталади) «ХХХХ» фермер хўжалиги (кейинги ўринларда матнда “жавобгар” деб аталади) ўртасида 201133-сонли “Юридик шахслар учун электр энергия таъминоти” шартномаси имзоланган. Мазкур шартнома шартларига асосан даъвогар жавобгарга уланган тармоқ орқали электр энергиясини етказиб беришни, жавобгар эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартнома шартларидан келиб чиқиб 3.1-бандида етказиб берилган электр энергия ва кувват учун тарафлар ўртасида ўзаро ҳисоб китоб қилиниши керак бўлган давр бир ойни ташкил этиши, 3.6-бандида энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида корхона ўрнатилган тартибда ҳисоб китобни амалга оширади. ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб варақани ёзиб бериши, тўлов 5 кун ичида амалга оширилиши шарт деб келишилган бўлсада, жавобгар томонидан шартноманинг мазкур бандлари талаблари бузилган ҳолда фойдаланган электр энергияси бўйича ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаган. Оқибатда жавобгар 2023 йил 01 апрель ҳолатида фойдаланилган электр энергияси бўйича 16 016 018,49 сўм қарздорлик вужудга келган.

Даъвогарнинг мавжуд қарздорликни ихтиёрий тўлаб бериш тўғрисида талабнома юборилган. Бирок, жавобгар томонидан талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Шу муносабат билан даъвогар вужудга келган дебиторлик қарзини ундириш мақсадида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ҳисобидан 16 016 018,49 сўм асосий қарз, 3 166 374.43 сўм пеня ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили маълумотнома тақдим этиб, жавобгар электр энергия истеъмолидан бўлган қарздорлик умуман тўланмаганлиги сабабли даъво талабини қўллаб-қувватлаб, тўлиқ қаноатлантиришни суд харажатларини жавобгар ҳисобидан ундиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор этилганлигига қарамасдан суд мажлисида иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси 3-бандига иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли



тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, куйидагиларга асосан даъвони тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Иш ҳужжатларида аниқланишича, низо, жавобгар томонидан тарафлар ўртасида имзоланган 201133-сонли “Юридик шахслар учун электр энергия таъминоти” шартномаси бўйича мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 478-моддасининг 2-қисмига асосан, агар қонунчиликда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф (ЎЗР ФКнинг 6-параграфи 468-478-моддалар) қоидалари қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468-моддасига асосан, Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Ишдаги ҳужжатлар, жумладан тарафлар ўртасидаги солиштирма далолатномаси, тўловни ҳисоблаш маълумотномаси ва ишдаги бошқа ҳужжатлар билан жавобгарнинг 16 016 018,49 сўм қарзи ўз тасдиғини тўлиқ топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 474-моддасига асосан, агар қонунчиликда ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу тўғрисида етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнингнинг қоплаши шарт.



Бирок, даъвогар вакили маълумотнома тақдим этиб, жавобгарнинг электр энергияси истеъмолидан бўлган қарздорлигини умуман тўланмаганлиги сабабли даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд даъво талабининг 3 166 374.43 сўм пеня қисмини ундиришда қуйидагиларга асосланади.

Мазкур шартноанинг 3.12-бандига асосан ҳисоб китоб ойдан кейинги календарь ой қарздорлик тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг кечиктирилган ҳар бир кунга 0.1 фоиз миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0.2 фоизи миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилиши, бунда пенянинг умумий миқдори муддати ўтган тўловнинг 50% ошмаган ҳолда пеня ундирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 326-моддасида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўришиб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган қарздорнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2007 йил 15 июнь кунги 163-сонли Пленум қарорида “Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт”-деб белгиланган.

Суд, юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, жавобгарнинг мулкӣ аҳволини пасайганлиги сабабли, 474 956,1 сўм пеня ундириш қисмини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи ва саккинчи қисмларига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасининг 20-бандига кўра иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан озод қилинганлиги сабабли давлат божисиз иш юритувига қабул қилинган.

Суд юқоридагиларни инобатга олиб, даъво талабини қисман қаноатлантиришни жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 16 016 018,49 сўм асосий қарз, 474 956,1 сўм пеня ва олдиндан тўланган ва 30 000 сўм почта харажатларини, Республика бюджетига 383 647,86 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326, 333-437-моддаларига, Иқтисодий процессуал кодексининг 118-, 170, 176, 179, 180, 181, 186-моддаларини қўллаб, суд



қ а р о р к и л д и:

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

“XXXX” фермер хўжалиги ҳисобидан:

XXXXфойдасига 16 016 018,49 сўм асосий қарз, 474 956,1 сўм пеня ва олдиндан тўланган ва 30 000 сўм почта харажатлари;

Республика бюджетига 383 647,86 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарори эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

О.Қўлдошов

